O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 10 июль, № 133 (4286) Сешанба

# ҲАМКОРЛИК ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТДОРЛИК АСОСИДА РИВОЖЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 июль куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси молия вазири Цзинь Женьцинни қабул қилди.***

— Ўзбекистонга ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда фаоллик ошиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Сиз раҳбарлик қилаётган делегация таркиби ҳам Ўзбекистон ва Хитойнинг ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқотларни фаоллаштириш, хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналишлар саналади. Ўзаро муносабатлар анъанавий дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида, икки томонлама манфаатдорлик асосида ривожланиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон ва Хитой давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао 2004 йили давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йилда давлат ташрифи билан Хитойга борди. Ташриф асносида ўзаро ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга хизмат қиладиган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари халқаро тузилмалар, жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) саммитлари доирасида ҳам мунтазам учрашиб турадилар.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кенг қулайлик яратиш тартиби амал қилаётганини таъкидлаш жоиз. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 698 миллион, жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида 226,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 136 қўшма корхона, 26 Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари каби соҳаларда иш олиб боради.

Юртимизда Хитой ҳукуматининг фоизсиз (6 миллион АҚШ доллари) ва имтиёзли (36,3 миллион АҚШ доллари) кредитлари асосида қатор ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ХХР Эксимбанки Ўзбекистонга 300 миллион долларлик экспорт кредити ажратган. Шу билан бирга, Хитой ҳукуматининг ШҲТга аъзо мамлакатлар учун ажратган 900 миллион долларлик кредит линияси доирасида Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантиришга доир 19 лойиҳа кўриб чиқилган. Уларнинг умумий қиймати 612,1 миллион АҚШ долларига тенг.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро комиссияси мунтазам мажлислар ўтказиб, иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг янги имкониятларини юзага чиқармоқда. Унинг 2006 йил августда Тошкентда ўтган еттинчи мажлисида Хитой компанияларидан 200 нафар вакил иштирок этди.

Хитойлик ишбилармонлар ҳар йили пойтахтимизда ташкил этиладиган халқаро пахта ярмаркасининг доимий иштирокчиларидир. 2006 йили ўтган ярмаркада Хитой компаниялари билан 250 минг тоннадан ортиқ пахта толасини етказиб бериш тўғрисида шартномалар имзоланди.

Ўзаро муносабатлар стратегик шериклик тамойилларига мос тарзда жадал ривожланмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Цзинь Женьцин самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришини, анъанавий дўстликни мустаҳкамлаш ва шериклик алоқаларини янада фаоллаштириш учун ҳар томонлама ҳамкорликка тайёр эканлигини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**(ЎзА).**



Абдуvоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

***Хитой Халқ Республикаси молия вазири Цзинь Женьцининнг мамлакатимизга ташрифи доирасида 9 июль куни пойтахтимизда Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.***

## ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ БИЗНЕС ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва ХХР Халқаро савдога кўмаклашиш қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, молия, савдо-саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, нефть-газ, қурилиш, машинасозлик, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Форумда хитойлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги хусусийлаштириш жараёни, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Хитой мамлакатимизнинг ишончли ҳамкорларидандир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда қарийб 698 миллион АҚШ долларини, жорий йилнинг январь-май ойларида эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 92 фоиз ошиб, 300,76 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистондан Хитойга энергия ресурслари, нефть ва нефть кимёси маҳсулотлари, пахта толаси, ипак, ўғит, мева-сабзавот каби маҳсулотлар экспорт қилинади. Хитойдан эса мамлакатимизга механик ва электрон ускуналар, оптик аппаратлар, дори-дармон, тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса буюмлар, рангли ва қора металлар, ёғоч ва ёғочдан тайёрланган маҳсулотлар импорт қилинади.

Ўзбекистон — улкан иқтисодий имкониятларга эга мамлакат, — деди Цзинь Женьцин. — Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистонни ўзининг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан, деб билади. Хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик қилиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит хитойлик ишбилармонларнинг мамлакатингизга қизиқишини тобора оширмоқда. Бу омил келгусида ҳамкорлигимизнинг янада кенгайишига хизмат қилади. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, илмий-техникавий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Анжуманда Хитойнинг йигирмага яқин фирма ва компанияси вакиллари иштирок этди. Хусусан, "Hangzhou Textile Machinery" (ипакни қайта ишлаш ускуналари), "Jiangsu Huangpu Investment (Group)" (сармоя компанияси), "Jiangsu Changfa Industrial Group" (қишлоқ хўжалиги техникаси, двигателлар, совитиш қурилмалари), "Zhejiang Senken Industrial Stock" (автомобиль савдоси), "Jiangsu Yueda Yancheng Tractor Manufacturing" (трактор ишлаб чиқариш) каби компаниялар Ўзбекистон бозорида ўз фаолиятини янада кенгайтириш ниятида эканлиги таъкидланди.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, нефть-газ, банк-молия тизими, машинасозлик, қурилиш, тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, жумладан, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакилларининг ўзаро музокаралари бўлиб ўтди. Унда хитойлик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги, электротехника, енгил саноат, қурилиш ва машинасозлик каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Шу куни хитойлик меҳмонлар Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирдилар.

Меҳмонлар Мустақиллик ва эзгулик монументини бориб кўрдилар. Улар мамлакатимизда, айниқса, пойтахтимиз Тошкентда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар.

Цзинь Женьцин Ўзбекистонга ташрифи асносида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ҳам зиёрат қилди. Қадим шаҳарларимизда, айниқса, ўзининг 2750 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган Самарқанд шаҳрида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари унутилмас таассурот қолдирганини мамнуният билан таъкидлади.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида прокурор-терговчи ходимлари иштирокида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.*

## БОШ ПРОКУРАТУРА ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишни Бош прокурор Р.Қодиров бошқарди.

Йиғилишда Бош прокуратура маҳкамасининг ходимлари ҳамда вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга жорий йилнинг 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунларнинг аҳамияти ва уларни қўллаш тартиби ҳақида тушунтиришлар берилди.

Шу ўринда, қабул қилинган мазкур қонунлар Республика Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг узвий ва мантиқий давоми эканлиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини янада кучайтиришга қаратилганлиги эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот марказидан хабар қилишларича, йиғилишда асосий эътибор қабул қилинган қонунларни амалиётда татбиқ этиш жараёнида вужудга келадиган мунозаравий масалаларга қаратилиб, йиғилиш иштирокчиларининг бу борадаги саволларига Бош прокуратуранинг масъул ходимлари томонидан батафсил жавоб берилди.

Шу билан бирга, жойларда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ва ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни амалда татбиқ этиш тартибининг жойларга бир хилда етказилиши бўйича тадбирлар режаси маъқулланди.

Бош прокурор йиғилишда қайд этилган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва амалиётда қўлланиши тартиби юзасидан жойларда прокуратура ходимлари ўртасида семинар машғулотлари ташкил этиш ҳамда бу борада аҳоли ўртасида тарғибот тадбирлари ўтказишга оид кўрсатмалар берди.

**(ЎзА).**

## Андижон:

# ИЗЛАНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ МЕВАСИ

### Водийларни яёв кезганда...



**Шу кунларда мамлакатимизда энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг қутлуғ 16 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Президентимизнинг бу борада қабул қилган қарорлари ана шу ишларни ташкил этишда барчага дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Тўйига тўёна билан боришга одатланиб қолган халқимиз ушбу анъанани давом эттириб, бу йил ҳам улуғ шодиёнамизга атаб турли иншоотлар, кенг ва равон йўллар, йўл ўтказгичлар, қисқаси, фаровонлигимизга хизмат қилувчи муҳим масканлар барпо этишмоқда. Албатта, бу ҳаммамизни қувонтиради, қалбимизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этади. Йўлимиз бу гал гўзал водийнинг Андижонига тушди...**




### Меҳнат ифтихор уйғотади

Хабарингиз бор, мамлакатимиз раҳбари жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида яқинда Андижон вилоятида ҳам бўлдилар. Ташриф чоғида Юртбошимиз оддий одамлар билан самимий ва дилдан суҳбатлар қилдилар. Айниқса, Олтинкўл туманидаги "Ихлос барака" фермер хўжалиги шийпонида фермерлар, туманлар ҳокимлари, банклар раҳбарлари билан бўлиб ўтган мулоқотда Президентимиз бугунги кунда фермерлик ҳаракати вилоятда қандай ривожланаётгани, андижонликлар тафаккурида мулкка, ерга эгалик туйғуси қай даражада шаклланаётгани, фермерлар эришган ютуқлар ва улар фаолиятини янада ривожлантириш учун ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар билан қизиқди.

Бугун Андижонда ҳам ер ўз эгасини топди. Айни вақтда вилоятда 16 минг 193 фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти, уларнинг ихтиёрида 239 минг гектар ер мавжуд. Ер соҳиблари вилоят иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Президентимизнинг вилоятимизга келиши, яшаш ва ишлаш шароитимиз билан қизиқиши руҳимизни кўтариб юборди, — дейди Жалолқудуқ туманидаги "Намуна ибрат сардори" фермер хўжалиги раҳбари Шерали Назаров. — Давлат раҳбарининг эътибори туфайли биз бугун мулкдор бўлдик. Ҳисобимизда пулимиз бор. Омборларимиз эса донга тўла.

Шерали ака фермерлик ҳаракатининг қалдирғочларидан. Ўн уч йил аввал унинг тасарруфида беш гектар ер бор эди. Ўтган йилга келиб, ерлари 36 гектарга кўпайди. Бу йил 12 гектар ерда ғалла етиштирилди. Шартномага кўра, 52 тонна давлатга сотилган бўлса, 28 тоннаси фермер хўжалигига қолди.

— Кечагина буғдойимни сотгандим, бугун эса ҳисоб рақамимга унинг пули тушди, — хурсандчилигини яширолмади фермер.

Пахтаободлик Абдурашид Раҳимов, жалолқудуқлик Каримахон Солиева ва бошқалар раҳбар бўлган юзлаб фермер хўжаликларида ҳам ғалла ҳосилдорлиги 65-70 центнерга етди. Мавсумда 180 та ғалла ўриш ва янчиш комбайни юқори унум билан ишлади.

Шу билан бирга, вилоятда ғўза парвариши ҳам агротехника қоидалари асосида олиб борилмоқда. Ўтган йили бу ерда ялпи пахта ҳосилининг 64,3 фоизи фермерлар томонидан етиштирилган эди. Бу йил улар 113 минг 200 гектар ерда ғўза ўстирмоқдалар. Экинни озиқлантириш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва ҳосил кушандалари — ҳашаротларга қарши кураш ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилаётгани туфайли ғўзалар дуркун ҳосилга киряпти...

**(Давоми 2-бетда).**

# ЯРИМ ЙИЛ САРҲИСОБИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг жорий йил биринчи ярмидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралда ўтган мажлисидаги "Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш — асосий вазифамиздир" маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижросига ҳамда ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини кучайтириш, хизматлар турларини кўпайтириш, телекоммуникация тармоқлари ва ахборотлаштириш тизимларини модернизация қилиш ва ривожлантириш йўналишида амалий ишлар олиб борилгани таъкидланди.

Жорий йилнинг биринчи ярми натижалари бўйича комплекс таркибига кирувчи корхона, агентлик ва ташкилотлар томонидан 388,8 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Бу 2006 йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 148,3 фоизни ташкил қилади.

Ҳисобот даврида мобиль алоқаси абонентларининг сони 3,7 миллионга етгани ва Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланувчилар сони 1.835 минг нафарни ташкил қилгани таъкидланди.

Мажлисда инвестиция дастури ижроси ва экспорт кўрсаткичларининг бажарилиши атрофлича таҳлил қилиниб, мутасадди раҳбар ходимларнинг ушбу вазифаларни бажаришдаги масъулиятини ҳамда хорижий инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри инвестициялар салмоғини янада ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

**(Давоми 2-бетда).**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг пленуми бўлиб ўтди.***

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини янада фаоллаштириш, мавқеини юксалтириш, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 май ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Республика Хотин-қизлар қўмитаси хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилаларни мустаҳакамлаш каби йўналишларда кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда юртимизнинг салкам ўн мингга яқин маҳалласида, овулларида, қишлоқ фуқаролик йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолият олиб бормоқда. Хотин-қизлар ва ёшлар онгу шуурига миллий қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром, диний бағрикенглик туйғуларини чуқурроқ сингдириш, маҳаллаларда осойишта ва барқарор маънавий муҳитни мустаҳкамлашда уларнинг ҳам ҳиссаси бор.

Анжуманда эришилган ютуқлар баробарида камчиликлар, жумладан, хотин-қизларни соғломлаштириш, ёш оиланинг маънавий, ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали айрим ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳал этилиши зарур бўлган долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада тегишли вазирликлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш кенг самара бериши таъкидланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Ярим йил сарҳисобига бағишланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилишда мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Келгусида ушбу йўналишда ва бошқа соҳалар бўйича жаҳон тажрибасини ўрганишга, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Ахборот-коммуникация технологиялари, матбаа соҳаларида хизмат кўрсатишни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш суръатларини янада жадаллаштириш, жумладан, қишлоқ жойларда алоқа соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда нашриёт-матбаа ижодий уйлари қошида аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш борасида топшириқлар берилди.

Мажлисда банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш борасида «Алоқабанк» акциядорлик тижорат банки томонидан банк тизимида аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, янги замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, йиғилишда ижро интизомини кучайтириш, комплекс таркибидаги идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

### Имтиёз — тадбиркорга қанот

Давлат солиқ қўмитасида "Солиқ сиёсатини либераллаштириш — тадбиркорликни ривожлантириш кафолати" мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятидан 450 нафар тадбиркор иштирок эди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда солиққа тортиш тартиби соддалаштирилиб, тадбиркорларга бу борада бир қатор имтиёзлар берилди. Иштирокчилар анжуман аввалида солиқ сиёсатидаги шу каби сўнгги ўзгаришлар, солиққа тортишдаги енгилликлар акс эттирилган кўргазма билан танишдилар.

Йиғилишда айтилишича, солиқ имтиёзлари қўлланиши натижасида жорий йилнинг ярим йиллик якунларига кўра, 320 миллиард сўм иқтисод қилинди. Бу маблағ ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини кенгайтиришга, ходимларни ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган.

Тадбирда қўмита мутахассислари Президентимизнинг 2007 йил 14 мартдаги "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган солиқ имтиёзлари хусусида атрофлича маълумот бердилар. Таъкидландики, солиқ сиёсатидаги енгилликлар туфайли бу йил хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида 57,7 миллиард сўм қолади. Тежалган маблағ корхоналарни модернизация қилиш, технологик қайта жиҳозлаш мақсадларига сарфланади.

Семинар сўнгида "Энг яхши солиқ тўловчи" танлови ғолиблари аниқланиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

### Грантлар топширилди

**Пойтахтимиздаги "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди томонидан эълон қилинган грант лойиҳалари танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

**Маълумки, жорий йил бошида "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган эди. Мазкур Қонуннинг амалий ижроси сифатида кўрилаётган ушбу лойиҳалар танловида мамлакатимизда фаолият юритаётган 60 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирок этди. Шулардан 14 таси ўз лойиҳаларини молиялаштириш имконига муяссар бўлди.**

**Бу галги танловнинг муҳим жиҳати шуки, ғолиб лойиҳалар илк бор давлат бюджетидан молиялаштирилади.**

**— Бу давлатимиз томонидан фуқаролик жамиятининг асосий бўғинларидан бўлмиш нодавлат нотижорат ташкилотларга қаратилаётган юксак эътибор натижасидир, — деди Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси Н. Ҳабибуллаев.**



### «Ойдин»нинг автоуловлари

Содиқжон Ниёзов Олот туманининг Шер қишлоғида яшайди. У 2004 йили тадбиркорликка қўл уриб, "Ойдин" хусусий фирмасини очди. Йилдан-йилга фаолиятини кенгайтириб бораётган бу қишлоқ тадбиркори ўтган йили яна бир хайрли ишга қўл урди. Тендерда "Олот — Божхона" йўналишини ютиб олиб, Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан туман марказига қатновчи 20 та автоулов қўйди. Учкур "Дамас"ларда бир зумда манзилига етиб олаётган аҳоли бундан жуда мамнун.

**СУРАТДА:** тадбиркор Содиқжон Ниёзов.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

### Қўнғироқлар тиниқлашади

«Сурхондарётелеком» филиалига қарашли Қумқўрғон телекоммуникация боғланмасида модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу тадбир ниҳоясига етгач, қишлоқ хонадонлари телефонлари марказий АТСга уланади. Натижада алоқа сифати яхшиланади, 15 киши янги иш жойига эга бўлади.

***«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

---

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 17 апрелида қабул қилинган, Сенат томонидан 29 июнда маъқулланган "Содиқ хизматлари учун" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Президентимиз томонидан имзоланиб, расман кучга кирди.***

# МУНОСИБ РАҒБАТ ИФОДАСИ

**Қонун ва ҳаёт**

Биласиз, улуғ мақсадларга етишиш, янги фаровон жамият қуриш, инсон зотига муносиб ҳаёт барпо этиш, энг аввало, шу жамият аъзолари бўлган фидойи инсонлар фаолиятига, уларнинг ўз элига, юртига содиқлигига, садоқатига боғлиқ. Бир ватан, бир халқ, бир миллатга мансублик кишига умр бўйи масъулият юклаб боради. Ана шу Ватан, халқ, миллат равнақига хизмат қилмоқ, садоқатли бўлмоқ, содиқ қолмоқ ёшидан қатъи назар ҳар бир фуқаро учун муқаддас бурч ҳамда вазифадир. Истиқлол йилларида республикамизда фуқароларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий салоҳиятини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, мудофаа соҳасини мустаҳкамлаш, сарҳадлар дахлсизлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштирокини муносиб рағбатлантириш мақсадида кўплаб давлат мукофотлари таъсис этилди.

Бугунги кунда янги давлат мукофоти — "Содиқ хизматлари учун" медали тасдиқдан ўтди.

Юқорида номи зикр этилган Қонун беш моддадан иборат бўлиб, биринчи моддада "Содиқ хизматлари учун" медалини таъсис этишга оид қоида акс эттирилган. Жумладан, ушбу қоидада мустақиллигимизнинг ўн олти йили давомида Ўзбекистонда демократик давлат барпо этиш, жамиятни янгилаш ва фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш учун кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, энг замонавий талабларга жавоб бера оладиган Қуролли Кучларни шакллантириш долзарб вазифа қилиб белгиланганлиги, мамлакат хавфсизлигини ишончли таъминловчи ва сифат даражаси юқори бўлган янги тизимгина тинчликни, хавфсизликни, одамлар осойишталиги ҳамда ҳудудий яхлитликни, пировардида, чегаралар дахлсизлигини сақлай олиши мумкинлиги ҳақида пухта тушунча берилган.

Айни шу нуқтаи назардан "Содиқ хизматлари учун" медали билан юксак касбий маҳоратга эга ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, айрим ҳолларда бошқа фуқаролар ҳам мукофотланиши кўзда тутилган.

"Содиқ хизматлари учун" медали билан мукофотлаш жараёни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси билан амалга оширилади. Шунингдек, мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти олиши, медаль кўкракнинг чап томонига тақилиши назарда тутилган. Фуқаролар ушбу медаль билан вафотидан кейин тақдирланган тақдирда, медаль, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти тақдирланган шахснинг оиласига топширилади.

"Содиқ хизматлари учун" медали "Давлат мукофотлари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида "Жасорат медали" деган сўзлардан кейин ёзилиши белгилаб қўйилган. "Содиқ хизматлари учун" медалининг таъсис этилиши, шубҳасиз, жамиятимизда Қуролли Кучлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот органларида хизмат нуфузини оширишга, ёшларнинг ватанпарварлик ва Ватанга садоқат ғоялари аҳамиятини янада чуқурроқ англашига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, кўп йиллик самарали меҳнати, Қуролли Кучларимизнинг жанговар ва сиёсий шайлигини ошириш, халқимизни муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда миллатлараро тотувликнинг барқарорлашувидаги ибратли фаолиятлари учун фахрий унвонлар, орден ва медаллар каби давлат мукофотлари билан тақдирлаш тизими ҳам эндиликда тобора такомиллашиб бормоқда.

Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "...одам бу дунёда ўзининг керакли эканини англаб яшаса, қилган эзгу ишларининг беиз кетмаслигига ишонч ҳосил этса, ўзига муносиб иззат-икром кўрса, бундай муносабат меҳнатчиларнинг эл-юрт, жамият олдида фарзандлик бурчини бажаришида ўз самарасини бериши муқаррар".

**Собир ТУРСУНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.**

---






## Андижон:

# ИЗЛАНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ МЕВАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

### Фаровон ҳаёт гашти

Наманганни гуллар шаҳри дея таъриф беришга одатланиб қолганмиз. Агар бугун Андижонда бўлсангиз, вилоятдаги хушҳаво ва гўзал манзарани кўриб, ҳеч иккиланмай Андижонга ҳам гулларга бурканган гўша, дея баҳо беришингиз турган гап. Яшиллик, ободончилик вилоятнинг бутун ҳудудини эгаллаганки, ўзингизни гўё улкан чаманзорда сайр этаётгандек ҳис қиласиз.

Гул ҳақида сўз кетганда бир суҳбат ёдимизга тушди. Билсангиз, Киото шаҳри нафақат Япониянинг, балки дунёнинг энг гўзал, яшил ва ҳавоси мусаффо масканларидан бири саналади. Бу ерда ҳам гул парваришига меҳр қўйганлар оз эмас экан. Шулардан бири Санае Казама хонимдир. У билан мулоқот чоғида мамлакатимизда ҳам гул ўстиришга мойиллик кучли эканлигини айтганимизда, шундай деган эди: "Аслида дунёнинг ҳамма ерида ҳам гулчиликка бирдек эътибор қаратилмайди. Агар, қайси юртда тинчлик, осойишталик, фаровонлик ҳукмрон бўлсагина, одамларнинг кўнглига эзгулик сиғади. Масалан, гул ўстиради, яхши кунларида бирбирларига гуллар ҳадя қилади, боғ яратади, хиёбонлар барпо этади. Булар айтганимдек, фақат осуда ҳаёт ҳукмрон жойдагина намоён бўлади. Шубҳам йўқки, Ўзбекистон шундай мамлакат". Дарҳақиқат, бир хорижлик келтирган бундай таърифни юртимизнинг азиз бир бўлаги бўлган Андижон вилояти тимсолида ҳам кўриш мумкин.

Икки ярим миллионга яқин аҳолига эга Андижон айнан истиқлол йилларида обод ва кўркам масканга айланди, десак муболаға бўлмайди. Бир қарич бўш ётган ер борки, бу ерда чирой очмасдан қолмайди. Мана, ўн олти йилдирки, 13 та туман, 3 та шаҳарда қад ростлаётган иншоотлар, йўллар бунёдкор халқнинг азму шижоати нишонасидир.

Куйганёр шаҳарчасида Қорадарё устига қурилган кўприк бор. Ёши катталар яхши эслашса керак, биргина шу кўприк қурилиши собиқ иттифоқ даврида ҳаммаёққа овоза қилинганди. У ҳақда ёзмаган, жар солмаган газета-журнал қолмади ҳисоб. Чунки илгари оддийгина воқелик ҳам керагидан ортиқча бўрттириб кўрсатиларди. Уни бугунги кун билан таққослашимизнинг боиси, мустақилликка эришганимиздан кейин бундай кўприклардан ўнлаб қурилди, янги йўллар очилди – энди ҳаммаси биз учун оддий воқеага айланиб қолди.

Оқдарё касб-ҳунар коллежи. Ушбу бино қад ростламасидан олдин бу ҳудуд анчайин ташландиқ аҳволда эди. Ўт-ўланлар босиб ётарди. Очиғи, жуда қисқа вақт ичида шундай ҳашаматли объектнинг қад ростлаши ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Мазкур илм масканидан ўтиб салгина юрилса, маҳобатли стадион ва унга туташ яна бир гўзал кошона кўзга ташланади. Маҳаллий аҳолининг айтишича, аввалари бу жойлар тутзор бўлган, унинг остида эса мол-ҳоллар боқилган. Ҳар томонлама ҳисобга олиниб, бу ерда, бор-йўғи, ўн бир ойда Марказий Осиёда ягона спорт мажмуаси барпо этилди. Йигирма минг томошабинни ўз бағрига оладиган стадионда энди мамлакат ва халқаро миқёсдаги беллашувлар ўтказиб келинмоқда. Унинг ёнидаги спорт коллежида эса бўлғуси чемпионлар камол топмоқда. Президентимиз ҳар иккала даргоҳда ҳам бўлганлар. Биноларнинг меъморий ечими билан қизиққанлар. Ўқув хоналарида бўлиб, бу ерда тарбияланадиган ўғил-қизларнинг яшаш шароитлари қандай яратилганига эътибор қаратганлар. Қимматли маслаҳатларини берганлар. Мутасаддилар ана шу кўрсатмалардан тегишли хулоса чиқариб, келгуси иш режаларини шу асосда олиб бормоқдалар.

Қўшариқ даҳасида яна иккита муҳташам қошона кўзни яйратиб турибди. Бири маиший хизмат касб-ҳунар коллежи бўлса, иккинчиси банк коллежидир. Бу масканда ҳам эртанги кунимиз эгалари – минглаб ёшлар таҳсил олмоқда.

Маълумотларга кўра, айни вақтда вилоятда 746 та мактаб, 96 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 330 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Пахтаободдаги Маданият, Хўжаободдаги Дўстлик қишлоқлари ҳамда Кўрғонтепадаги Қорасув шаҳарчасида янги маҳаллалар вужудга келди. Қўқонқишлоқ, Пойтуғ, Марҳаматнинг атиги бир йилда қуриб битказилган бозорлари, боғ ва хиёбонлари кишида ўзгача ҳавас ва ифтихор туйғуларини уйғотади.



Вилоят аҳли ва меҳмонларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳам барча шароитлар яратилган. Шаҳардаги маданият ва истироҳат боғлари бугунги кун талаби даражасига келтирилди, ҳавони мўътадил қилиб турувчи фавворалар барпо этилди, анвойи гуллар ўтқазилди. Бир сўз билан айтганда, бугун Андижоннинг қай бир гўшасида бўлманг, ана шундай бунёдкорлик намуналарига кўзингиз тушади.

### Истиқлол кашф этган юлдузлар

Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ўткирбек Ҳайдаров, Қаҳрамон Орзиқулов! Бугун бу номлар нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ўзгача ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Эътиборли жиҳати шундаки, миллатимизнинг фахру ифтихорига айланган спортимиз юлдузлари айнан истиқлол йилларида кашф этилганлар.

Мамлакатимизда спорт, айниқса, болалар спорти давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, бунга Юртбошимизнинг шахсан ўзлари доимий эътибор қаратишлари туфайли бугун ёшларимиз халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтаришмоқда.

Андижонликлар ҳам ушбу соҳада ўз ўринларига эгадирлар. Вилоятда барпо этилган халқаро талабларга тўла жавоб бера оладиган спорт иншоотлари ҳавас қилишга арзийди. Хусусан, Бўз, Улуғнор, Булоқбоши, Балиқчи туманлари, Қорасув шаҳарчасида қуриб битказилган спорт мажмуалари, Асака билан Кўрғонтепадаги ўйингоҳ, избосканлик ака-ука тадбиркорлар ҳиммати билан барпо этилган ажойиб спорт кошонаси, бешта олий ўқув юрти, касб-ҳунар коллежларидаги кенг, ёруғ спорт заллари, очиқ майдонлар, теннис кортлари ёшларнинг севимли масканига айланган. Андижон шаҳридаги муҳташам спорт коллежида эса бўлғуси чемпионлар тайёрланмоқда.

Тўрт йил олдин Андижонда бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларини эслайлик. Ёшлик, гўзаллик, нафосат ва маҳорат кўригида андижонлик ёшлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган ва Президент совғаси билан тақдирланган эди. Бундан икки йил муқаддам Тошкент вилоятида бўлиб ўтган ана шундай беллашувда андижонликларга тенг келадигани топилмади.

— Аслида, муваффақиятларимизга пойдеворнинг мустаҳкамлиги асос бўлмоқда, — ғурурланади республика Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Икромжон Валиев. – Кўп эътибор қилганман. Президентимиз қайси бир вилоятга бормасинлар, албатта, спорт соҳасида ёшларга яратиб берилган шароитлар билан қизиқадилар. Мутасаддиларга кўрсатмаларини берадилар. Вилоятимиздаги мавжуд шароитлар ҳам у кишининг раҳбарликларида бўй кўрсатди. Кейинги йилларда Андижонда 18 та спорт иншооти янгитдан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларни барпо этишга қарийб бир ярим миллиард сўм маблағ сарфланди. Улар 330 миллион сўмликдан зиёд жиҳоз билан таъминланди. Давлат бюджетидан бир вилоят спорти учун шунча маблағ ажратиш қайси мамлакатда бор?!

Ёшларимиз жорий йилнинг ўзида 18 та спорт иншоотига эга бўладилар. Чунончи, бешта бешинчи типдаги болалар спорти мажмуаси, сузиш ҳавзаси таъмирдан чиқди. 16 та мактаб учун қўшимча спорт зали қурилмоқда. Андижон шаҳри, Асака ва Шаҳрихон туманларида очилган бадиий гимнастика тўгараклари сафи кенгайди. Бир сўз билан айтганда, вилоятда 27 мингдан зиёд ўғил-қиз спортнинг ўттиздан ортиқ тури билан шуғулланиш имкониятига эга. Улар орасидан жаҳонни лол қолдирадиган, Ватанимиз байроғини янада юксакларга кўтарадиган спорт юлдузлари етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

### Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!

Бундан олти-етти йил илгари Россияга бориб келган бир танишимиз сафар таассуротларини сўзлаб бераркан, ҳайратини яширолмай "Ишонасизми, Москвада "Нексия"мизни кўрдим. Одам ҳаяжонланиб кетаркан. Ахир ўзимизнинг Андижондан чиққан машина-я!" деганди. Ўша танишимиз ҳозиргача савдо-сотиқ билан Россияга қатнайди. Баъзан учрашганимизда сўраб қўямиз: «Нексия"миз учраб турибдими?". Энди унинг юзида аввалгидек ҳайрат кўринмайди: "Э, нимасини айтасиз, "Нексия", "Матиз" ниҳоятда кўпайди. Худди Ўзбекистонда юргандек бўласиз. Очиғи, россияликларнинг машинамизга бу даражада қизиқишини хаёлимга ҳам келтирмагандим..."

Андижон ҳақида гап кетгудек бўлса, албатта, Асака ҳам тилга олинади. Чунки бу ерда мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган автомобиль заводи барқарор фаолият кўрсатмоқда. Маълумотларга қараганда, ўтган ўн бир йил ичида бу ерда 140 мингдан зиёд автомобиль тайёрланди. 82,5 мингдан ортиғи экспорт қилинди. Биргина жорий йилнинг биринчи чорагини оладиган бўлсак, 36 минг 462 та автомобиль корхона конвейеридан тушиб, шундан қарийб йигирма мингтига хорижликлар буюртма беришди.

Асакани боғлаб турган кенг ва равон йўллардан ҳар куни юзлаб "Дамас", "Нексия", "Матиз", "Ласетти"лар карвони ўтадики, бу гўзал манзарани кўрган кишининг қалби фахр ва ифтихорга тўлади. Ва муқояса қилгинг келади: модомики, руслар ўзларининг "Волга"си, олмонлар "Мерседес"и, японлар "Тойота" ва "Ниссан"и, шведлар "Волво"си, италянлар "Феррари"си билан фахрланар экан, биз ҳам ўзимизнинг йигит-қизларимиз қўлида тайёрланаётган замонавий автомобилларимиз билан ғурурланишга ҳақлимиз. Зеро, "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам ҳам бўлмаймиз" деган ибратомуз гап бежиз айтилмаган.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш баробарида уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилди. Хусусан, жойларда очилган шохобчаларнинг жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган даражада юксак технологиялар билан таъминланишини, кўркам автосалонларнинг бунёд этилишини ана шу эътибор самараси дея баҳолаш мумкин. "Автотеххизмат" бўлимлари ҳозир республикамизнинг барча вилоятлари йирик шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатмоқда. "Асака" банки эса мижозлар хизматига пешвоз чиқмоқда.

Маълумки, автомобилларимизнинг арзон бўлиши, қаттиқ валютани тежаш, қолаверса, янги иш ўринлари сонини кўпайтириш мақсадида маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган. Шунга асосан, юқори сифатли эҳтиёт-қисмлар тайёрлашга ихтисослашган "Ўз Карам Ко", "Ўз Тонг Жо Ко", "Ўз Донг Янг Ко" сингари қатор қўшма корхоналар ташкил этилди. Уларда шовқин пасайтиргичлар, бамперлар, ўриндиқлар, электр кабеллар, бўёқлар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, ўндан ортиқ ҳиссадорлик жамияти ва фирмалар ҳам корхонага хорижникидан асло қолишмайдиган эҳтиёт-қисмлари етказиб бермоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини юксалтириш, хусусий секторни кўпайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш устувор вазифалардан бири саналади. Андижонликлар мана шу саъй-ҳаракатларга жавобан муайян ютуқларни қўлга киритишмоқда. Жумладан, жорий йилнинг беш ойида саноат маҳсулотлари ҳажми 817,3 миллиард сўмни ташкил этди. Шу давр мобайнида 608 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқилди. Пулли хизматлар кўрсатиш кўлами ортди. Экспорт ҳажми биринчи чоракда 139 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, ўтган йилнинг дастлабки уч ойига нисбатан таққослаганда 35 фоизга кўпайди.

Ишлаб чиқаришни тўла модернизациялаш, уни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш муваффақиятлар омили бўлмоқда. Хонободдаги "Андижонкабель", Ўзбекистон-Россия, "ЎзКоджи" Ўзбекистон-Корея, Марҳаматдаги "Электртекс" Ўзбекистон-Россия каби ўнлаб корхоналарда маънан эскирган дастгоҳлар ўрнига энг илғор технологиялар ўрнатилгач, сифат ва самара ҳам ортди. Юзлаб янги иш ўринлари вужудга келди. Биргина Избоскан туманининг Тўрткўл қишлоғида иш бошлаган "Uzbek ANK Spinning" Корея хорижий шўъба корхонаси 230 нафар маҳаллий ёшни ўз бағрига олди. Эндиликда минглаб ёшлар ўз ҳаётларидан рози, меҳнатларидан манфаатдор бўлиб ишламоқдалар.

Лекин Улуғнор, Бўз, Кўрғонтепа, Хўжаобод туманларида қишлоққа саноатни олиб кириш, янги иш ўринлари яратишда сусткашликка йўл қўйилаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Президентимизнинг ўтган йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони вилоятда ўта долзарб масала бўлган аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишда кенг имкониятлар эшигини очди. Бир йилнинг ўзида 69 та йирик саноат корхонасида 3691 та иш ўрни ташкил этилди. Транспорт, алоқа, қурилиш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик саноат корхоналарида ҳам касаначилик иш ўринларини яратишга эътибор қаратилди. Қисқаси, халқ фаровонлигини таъминлаш, турмушини яхшилаш йўлида иқтисодиётни ривожлантиришга катта урғу берилди.

* * *

Андижон аҳли катта тўйга муносиб ҳозирлик кўрмоқда. Ҳар ерда ўзгаришлар, улкан янгиликлар амалга оширилмоқда. Албатта, уларнинг барини бир мақолада айтишнинг иложи йўқ. Лекин қувонарли томони шундаки, ана шу янгиланишларнинг барчаси одамларнинг фаровон ва осойишта ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлардир. Зеро, ислоҳотлар инсон учун деган улуғ шиор бугун Андижонда ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Ҳужжатлар гувоҳлик беради



Россия Федерал хавфсизлик хизмати ўтган асрнинг йигирманчи ва эллигинчи йилларида амалга оширилган оммавий қатағонга оид махфий ҳужжатларни ошкор этмоқда. ФХХ вакили Василий Христофоровнинг билдиришича, ҳар ким ўзи қизиққан маълумотларни архивдан олиб танишиши мумкин.

## Абрамовичга қирқ қўриқчи

«The Sunday Times» газетасининг хабар беришича, «Челси» футбол клуби эгаси ва тадбиркор Роман Абрамович шахсий қўриқчилари сонини 40 нафаргача кўпайтирди. Газета маълумотларига кўра, россиялик тадбиркорни гаровга олиш хавфи таҳдид солаётган бўлиши мумкин. Бироқ, Роман Абрамовичнинг матбуот котиби бу маълумотга изоҳ беришни рад этди.

## «Боинг»га буюртмалар



Вашингтон штатидаги Эверетт шаҳрида «Боинг-787» Dreamliner самолётининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда 15 мингга яқин одам иштирок этди. Бундан ташқари, тақдимот маросими тўққиз тилда дунёнинг 45 та мамлакатига интернет ва телевидение орқали тўғридан-тўғри намойиш қилинди. Манбада айтилишича, маросим бошланишига бир неча соат қолганда «Боинг» компаниясига 35 та буюртма келиб тушган. Шу пайтгача мазкур янги самолёт учун 677 та буюртма қабул қилинди.

## Лойиҳа учун 200 млн.

Япониянинг «Ниссан» автомобиль компанияси Санкт-Петербургда янги завод қуришни бошлади. Заводнинг дастлабки ғиштини қўйиш маросими бўлиб ўтди. Қурилиш 2008 йил куз ойларига бориб якунланади. 2009 йилнинг биринчи чорагидан конвейердан машиналар чиқа бошлайди. Бу лойиҳа учун корпорация 200 миллион доллар ажратди.

## Сўровномада аниқланишича...

**АҚШда ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, мамлакат аҳолисининг 45 фоизи президент Жорж Бушга нисбатан импичмент эълон қилинишини исташади. Сўралганларнинг 46 фоизи эса бунга қарши. Американикларнинг 54 фоизи Ироқдаги урушнинг бош «меъмори» ҳисобланган вице-президент Дик Чейнининг лавозимидан кетишини хоҳлашади. Оқ уй маъмурияти ушбу маълумотга изоҳ беришни рад этди.**

## Яман ёрдам сўради



Яман ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиб, мамлакатда терроризмга қарши курашишда ёрдам кўрсатилишини сўради. Бу ҳақда РИА «Новости» хабар тарқатди. Мазкур масалада мамлакат ташқи ишлар вазири ўринбосари Муҳиддин ад-Даби Сане шаҳрида БМТ ХКнинг доимий аъзолари бўлган давлатлар элчилари билан учрашди.

## «ФАТХ»чилар озод этиладими?

Исроил ҳукумати мамлакат қамоқхоналарида сақланаётган 250 нафар фаластинлик маҳбусни озод этиш юзасидан бир қарорга келди. Уларнинг барчаси «ФАТХ» ҳаракати аъзоларидир. Исроил Маҳмуд Аббос маъмуриятини қўллаб-қувватлаш мақсадида шундай йўл тутмоқда. Маҳаллий матбуот хабарларига кўра, ҳали озод этиладиган маҳбуслар рўйхати юзасидан узил-кесил бир қарорга келинмаган.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили



***Шубҳасиз, бу дам олиш уйининг таърифини кўп эшитгансиз. У Чотқол тоғининг шундоққина ён-бағрида, денгиз сатҳидан 1570 метр баландликда жойлашган. Табиатининг гўзаллиги, ҳавосининг мусаффолиги билан кишини ўзига ром этади. Сал юқоридаги кўҳна кон қаъридан қайнаб чиқадиган булоқ суви эса зилоллиги ва шифобахшлиги билан алоҳида ажралиб туради.***



# ТАБИАТИ ГЎЗАЛ, ҲАВОСИ МУСАФФО

Мутахассис-олимлар она табиат паркентликларга инъом этган бу бебаҳо неъматни обизамзамга қиёслашган. Таркибида кремний, магний, алюминий, темир, молибден, титан каби йигирмадан ортиқ моддалар ҳамда инсон соғлиғи учун фойдали маъданлар мавжудлигини аниқлашган. Улардан нафас йўллари, ошқозон-ичак ва юрак-қон томир касалликларини даволашда фойдаланиш мумкинлигини илмий жиҳатдан исботлаб беришган.

Қарийб 42 гектар майдонни эгаллаган бу муассасага иккинчи жаҳон урушидан сўнг кончилар шаҳарчаси сифатида асос солинган. Кейинчалик, кумуш қазиб олиш ишлари ниҳоясига етгач, у болалар интернати тасарруфига ўтказилди. Хушманзаралиги ва жозибадорлиги инобатга олиниб, бу маскан дам олиш уйига айлантирилди. "Кумушкон" ҳар мавсумда 2700-2800 нафар киши кўнгилли ҳордиқ чиқарадиган ва соғлиғини тиклаб мустаҳкамлайдиган оромгоҳ мақомига эришди. Бироқ...

Яширишнинг ҳожати йўқ, бозор муносабатларига ўтиш жараёнидаги айрим қийинчиликлар унинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатди.

— Кўпчиликда ҳикмат кўплиги рост экан, — дейди жамоа раҳбари Жонон Маҳкамов мамнуният билан. — Мана, ўзимиздан қиёс: тадбиркор Баҳодир Назиров сидқидилдан ҳомийлик қилаётгани туфайли бугунга келиб, жамоамизнинг эзгу ниятлари бирин-кетин рўёбга чиқа бошлади. Бу ерда 150 нафардан ортиқ қурувчи узлуксиз меҳнат қилмоқда. Шу боис, қисқа фурсатда ҳудуддаги дов-дарахтлар ва тоғ буталарига шакл берилиб, табиий газ ва тоза ичимлик сув қувурлари тортилди. Ички микроиқлим мўътадиллигини таъминловчи тармоқлар янгиланиб, бир километрлик канализация тизими барпо этилди. Айни кезларда эса 10 та коттеж давр талабларига мос тарзда таъмирланаяпти. Яна бир янгилик: мижозларимиз орасида оиласи билан бирга келадиганлари ҳам кўп. Биз шуни назарда тутиб, қўшқаватли иккита бинони тубдан қайта қураяпмиз. Уларда бир йўла 16 та оила жойлашиши, худди ўз хонадонидагидек яшаб, дам олиши учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинади. Сўлим сой соҳилида табиий муҳитга монанд қилиб тикланган муҳташам замонавий чойхонани эса куни-кеча фойдаланишга топширдик.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

СУРАТЛАРДА: "Кумушкон" дам олиш уйида қурилган янги чойхона.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ечиш ҳамда уларнинг таклифларини ўрганиш бўйича бошланган бизнес лойиҳаларга тезкор равишда кўмаклашиш мақсадида учрашувлар ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Шу муносабат билан, Сиз ўз фаолиятингизда учраётган муаммо ва таклифларни 2007 йилнинг 20 июлига қадар Кенгашнинг ишчи органи - Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаларига ёзма ёки оғзаки равишда беришингизни сўраймиз.

Сизни ушбу йиғилишда иштирок этиш учун таклиф этамиз. Учрашувлар ҳар томонлама самарали бўлиши учун аввалдан ҳудудий бошқармаларнинг қуйидаги телефонларига мурожаат қилишингиз мумкин:

| Ҳудудлар номи | Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг телефон рақамлари | Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг телефон рақамлари | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳудудий бошқармаларининг телефон рақамлари | Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари телефон рақамлари |
|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | (8-361) 222 30 03 | (8-361) 2222357 | (8-361) 2237193 | (8-361) 7707101 |
| Андижон вилояти | (8-374) 222 14 55 | (8-374) 2221445 | (8-374) 2244594 | (8-374) 2981101 |
| Бухоро вилояти | (8-365) 223 34 52 | (8-365) 2233013 | (8-365) 2237416 | (8-365) 7701101 |
| Жиззах вилояти | (8-372) 226 40 24 | (8-372) 2263447 | (8-372) 2263581 | (8-372) 7717101 |
| Қашқадарё вилояти | (8-375) 226 13 45 | (8-375) 2250036 | (8-375) 2230164 | (8-375) 7711101 |
| Навоий вилояти | (8-436) 225 18 03 | (8-436) 2237900 | (8-436) 2238074 | (8-436) 7703101 |
| Наманган вилояти | (8-369) 226 14 42 | (8-369) 2265189 | (8-369) 2265193 | (8-369) 2231101 |
| Самарқанд вилояти | (8-366) 235 44 61 | (8-366) 2340410 | (8-366) 2330462 | (8-366) 2101101 |
| Сурхондарё вилояти | (8-376) 222 77 68 | (8-376) 2227439 | (8-376) 2275861 | (8-376) 7708101 |
| Сирдарё вилояти | (8-367) 225 25 59 | (8-367) 2253605 | (8-367) 2253050 | (8-367) 2211101 |
| Тошкент вилояти | (8-371) 135 53 99 | (8-371) 1376017 | (8-371) 3635096 | (8-371) 1509101 |
| Фарғона вилояти | (8-373) 224 07 05 | (8-373) 2243391 | (8-373) 2241549 | (8-373) 2297101 |
| Хоразм вилояти | (8-362) 224 04 60 | (8-362) 2271100 | (8-362) 2264786 | (8-362) 7705101 |
| Тошкент шаҳри | (8-371) 132 00 97 | (8-371) 1446045 | (8-371) 1629242 | (8-371) 1503101 |

# ИСРОФГАРЧИЛИК САХОВАТ ЭМАС

***Мўмин-мусулмонлар инсонни тириклигида эъзозлаганидек, вафотидан кейин ҳам уни яхшилик билан ёд этади, ҳурматини ўрнига қўяди.***

***Зеро, ота-боболаримиз бизга марҳумларни ҳурматлаш, ножўя ҳаракатлар билан улар руҳига озор бериб қўймасликни ҳамиша уқтириб келишган. Қабрлар устини тепкилаш, у ерда ножўя сўзлар айтиш, чорва моллари боқиш гуноҳи азимдир.***

Сўнгги йилларда пойтахтимиздаги «Минор», «Шайх Зайниддин бобо», «Катта Қозиробод» ва «Камолон» қабристонларида бўлдим. Бу ерларнинг анча ободлиги, озода сақланаётгани, қаров-эътибор яхшилиги кўнгилга таскин беради.

Лекин ҳамма қабристонларда ҳам аҳвол шундай деб бўлмайди. Қабрлар ўпирилиб тушган, қулаган ё нураган. Бундай манзара кишида ёқимсиз кайфият уйғотади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) бир ҳадисларида шундай деганлар:

«Қабристонни зиёрат қилиб туринглар. Зеро, у сизларга охиратни эслатади».

Дарҳақиқат, қабристон тирикларни ҳушёр торттирадиган, оқил инсонни босиб ўтган ҳаёт йўлига фикран назар ташлашга, билиб-билмай йўл қўйган хатоларига тавба қилишга ундайдиган ва ҳидоят йўлига чорлайдиган маскандир. Оқил киши қабристонни муайян маънода дарсхона, ибрат уйи деб билади. Лекин бу қабристонларни муқаддаслаштириш, қабрларга сиғиниш, нажот кутиш, катта-катта қабртошлар ўрнатиб, мусобақалашиш керак, дегани эмас. Қабр йўқолиб кетмасин, деб бош томонига бирор кичик тош ё бошқа белги қўйиш мумкин. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ларида ёзилишича, саҳобаи кипромлардан Усмон ибн Мазъун вафот этганларида Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи вассаллам) битта тош келтириб, бош тарафига қўйиб: «Биродаримнинг қабрини йўқотиб қўймайин деб шундай қилдим», деган эканлар.

Энди таъзия маросимлари хусусида икки оғиз сўз. Аввало, бу маросимлар тўй эмас, марҳум хотирланиб, савоби унга бахш этиладиган, Оллоҳ йўлига қилинадиган эҳсондир. Бундан бошқа мақсадлар кўзланса, у йиғин эгасига гуноҳдан бошқа нарса келтирмайди. Шунингдек, динимизда кун санаб, ҳар хил номлар бериб, мунтазам ўтказиб туриладиган маросим йўқ. Агар эҳсон қилинадиган бўлса, имкониятига қараб, йилнинг исталган вақтида оила даврасида ёки қариндош-уруғ, яқин қўни-қўшни иштирокида ихчамгина ўтказиш зарур. Дабдаба ва исроф таъзия йиғини руҳига зиддир. Қуръони каримда ҳам «...Енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар. Чунки Оллоҳ исрофгарчиларни яхши кўрмайди», дейилган. Ҳадиси шарифда эса: «Расулуллоҳ меҳмон учун ортиқча такаллуфни (зиёрат учун ортиқча уринишни) ман этганлар», деб таъкидланади. Демак, таъзия дастурхони оддий ва меъёрида бўлмоғи керак. Азадор хонадонга одамлар еб-ичиш учун эмас, балки марҳум ҳақига дуо қилиш учун келади. Ўтган асрнинг 30-40 йилларидаги маъракаларда ортиқча дабдаба бўлмасди. Дастурхонга нон, бир сиқим майиз, жийда, озгина қанд-курс солинган патнис қўйилар, сўнгра ош тортилиб, дуолар ўқиларди, холос.

Лекин йиллар ўтиши билан бу маросимлар ўзгариб кетди. Айримлар уни тўйдек тантанага айлантириб юбордилар. Бугун баъзилар маърака-эҳсонларини кафе-ресторанларда ўтказишга одатланишяпти. Бунинг бирор ёмон томони йўқдир, эҳтимол. Лекин уларни иложи борича марҳум яшаб ўтган хонадонда ихчамроқ қилиб ўтказган маъқул.

Ўлим ҳақ бўлганидек, тириклик ҳам ғаниматдир. Бу ғанимат фурсатни ҳар хил ножўя ишлар билан қўлдан бой бермай, яхшилик қилиб қолишга, эзгу амалларни кўпайтиришга уринса, инсон ютади. Зеро, Саъдий Шерозий таъбири билан айтганда:

*Ҳар киши кетар экан, экканин олар,*
*Ундан яхши ёки ёмон ном қолар.*

**Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси.**

## Сиз бунга нима дейсиз?

**Ташкилот бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади:**

**КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ**
- қурилиш бўйича олий маълумотли;
- қурилишдаги иш стажи — камида 5 йил;
- раҳбарлик иш тажрибаси — камида 3 йил;
- ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак.
Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.

**МУҲАНДИС-МЕХАНИК**
- техникавий олий маълумотли;
- иш стажи — камида 10 йил;
- юк кўтарма механизмлари, гидравлика, прессларни яхши билиши;
- ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак.
Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.

**МУҲАНДИС-ЭНЕРГЕТИК**
- олий маълумотли;
- мутахассислик бўйича иш стажи — камида 5 йил;
- ГПК крани, гидравлика пресслари электрика қисмини мукаммал билиши;
- ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак.
Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.

**ЭЛЕКТРИК**
- ўрта махсус маълумотли;
- иш стажи — камида 5 йил;
- ёши 30 дан ошмаган бўлиши керак.
Маош — 200 000 сўмгача.

Маълумот учун телефонлар: 185-17-11, 58-75-94, 58-75-96.

**Номзодлар ўзи ҳақидаги маълумотлар (резюме)ни қуйидаги факслар орқали юборишлари керак: (998 71) 150-01-11, 150-11-55.
E-mail: chermetgroup@postbox.uz**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**
**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

**ЭЛЕКТРОН ГАЗ ҲИСОБЛАШ УСКУНАСИ**



**Ташкилот замонавий компьютерга уланадиган, соатига 25 м³ дан 2250 м³ гача ўлчайдиган турли хил электрон газ ҳисоблаш ускуналарини сотади.**

**Маҳсулот сертификатланган.**

Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-«А» уй, «Ҳаракатгаз Технология» МЧЖ.
Телефонлар: 183-66-88, (8 370 71) 5-59-87, 5-62-27.
Факс: (8 370 71) 5-61-73.
E-mail: harakat_2004@mail.ru

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА БОШҚА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН ДАВЛАТ РАҚАМ БЕЛГИЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ УСКУНА ВА ЖИҲОЗЛАР ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА**

**ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Манзил: 100070 Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.**

**Тендер ҳужжатлари 2007 йил 6 август куни соат 17.00 гача қабул қилинади.**

***Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 144-28-54, 144-43-83, 361-43-76.
E-mail: umtvs@uzpak.uz***

**Қўшимча маълумотлар: WWW.dgMarket.uz сайтида жойлаштирилган.**

***Китобхонлик масаласида икки жиддий муаммони четлаб ўтиш мумкин эмас. Биринчиси — бугун нашр этилаётган барча китоблар маънавий олам хазинасига бойлик қўша оладими? Бу китоблар дид ва тафаккурни тарбиялашга қандай хизмат қилади? Бугун нашр этилаётган китобларнинг барчасини ўқиш учун бир одамнинг умри етмайди. Шундай экан, танлаб-саралаб ўқиш эҳтиёжи туғилади.***

# ОФТОБ НУРИ тегмаган ер ҳосил бермайди

Хўш, китоб пештахтаси рўпарасида турувчи ёш китобхонга бу масалада ким ёрдам беради, ким устозлик қилади?

Китоб муҳиби биринчи галда асарнинг яхши ёки ёмон эмаслигини сотувчидан сўрайди. Сотувчиларнинг юздан тўқсонтаси умрида биронта китоб ўқимаган, бу ерда фақат тирикчилик важҳи билан ўтирган бўлса, қандай маслаҳат берсин? Худди ўзи етиштирмаган сабзини сотишга уринган бозор чайқовчиси каби мақтовини келтиравeрадими? Кийим-кечак дўконида ҳисоб-китобни билувчи ҳар қандай одам ишлай олиши мумкин. Аммо китоб дўконида ишлаш учун бу билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Буни дўкондорлар ҳам, сотувчилар ҳам тушуниб етадиган замон келди. Албатта, бир неча ойда ёки бир йилда бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Лекин ечими мушкул муаммони ечими йўқ муаммо сифатида четга суриш инсофдан эмас.

Ёшларни китобнинг мўъжизали оламига олиб киришдек сурурли вазифани бажаришлари шарт бўлган адабиёт муаллимларининг китобга муҳаббатлари қай даражада экан? Эҳтимол, улардан китоб ўқиш-ўқимасликларини суриштириш, имтиҳон қилиш уятлидир. У ҳолда уйларига бир қарайлик, ҳеч бўлмаса, беш-ўнта китобдан иборат шахсий кутубхоналари бормикин? Кичкинагина кутубхонаси бўлмаган, ўзи асар ўқиб завқланиш нималигини билмайдиган муаллим шогирди қалбида китобга муҳаббатни қай йўсинда уйғота оларкин — буниси бизга қоронғи. Дарсда боланинг қай даражада билим олганини иншо ёки баён орқали белгилаймиз. Бу анъанавий услуб. Камина мактабда ўқиган эллигинчи йилларда ҳам, ҳозир ҳам ўқувчининг ёки талабанинг бадиий асар ўқигани сира ҳисобга олинмайди, тақдирланмайди. Дарслик китобидан «Кумуш — чин муҳаббат эгаси» деб кўчириб берган бола аълочи бўлиб юради. Бир институтдаги учрашувда талабаларга «Абдулла Қодирийнинг «Ойбек» романида нима учун Кумушни ўлдиришади?» деган саволни ҳазил тариқасида бериб «Биз мактабда бу китобни ўқимаганмиз», деган жиддий жавобни олдик. Эътибор беряпсизми, «Бундай асар йўқ», дейишмади, «Бундай асарни ўқимадик», дейишди! Шу болаларнинг шаҳодатномасида ҳамда тест синовида адабиёт фанидан «аъло» баҳо қўйилган бўлса ҳам ажабланманг. Бир мақолни ўзгартириб айтайлик: «Ўқувчиларнинг савиясини кўринг-у, ўқитувчининг даражасига баҳо бераверинг».

Китоб ҳақида тўғри йўналиш берувчи энг асосий маслаҳатгўй ким? Албатта ота ва она! Бува ва бувилар, амаки ва тоғалар, амма ва холалар ҳам бу борада четда турмасалар, қандай яхши! Атрофимизга қараб кўрайликчи, ўзи китоб ўқиб, фарзандларида ҳам бу хайрли фазилатларни тарбия этишга уринувчи ота-оналар кўпми ё «ўқиб менга шаҳар олиб берармидинг, қўй, китоб ўқиб бошингни оғритма!» дегувчилар кўпроқми? Бозорга тушганларида фарзандларига қурт, писта, сақич олувчиларга нисбатан китоб харид қилувчилар озроқми ё кўпроқми? Уйдаги жавонларини виски, коньяк, ароқнинг ўнлаб турлари билан тўлдириб қўювчилар билан китоб жавонларига меҳр қўйганлар нисбати қандай экан? Булар ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Китобни қиммат дегувчи одам улфатлари билан ичаётган коньякнинг пулига фарзандлари учун қанча китоб сотиб олиши мумкин эканлигини бир мартагина ўйлаб кўрса эди! Китобни қиммат деб нолиётган одамнинг ўзи ёки фарзанди кутубхонага бориб, китобни текинга ўқиш мумкинлигини билишмасмикин? Ҳаммасини билишади. Фақат турли баҳоналар билан ўзларини ўзлари алдайдилар.

Китоб дўконида жиззахлик бир одам билан танишиб қолган эдик. Ҳар икки-уч ойда фарзандларига китоб олиш учун Тошкент марказидаги «Шарқ зиёкори» китоб дўконига келар экан. Нақадар гўзал одат! Нақадар онгли ота ва она! Қани эди, ҳаммамиз шулар каби бўла олсак!



Китобхонлик масаласидаги жиддий муаммолардан иккинчиси — нашр этилган китобни мухлисларга етказиб бериш, яъни китоб савдосининг бугунги аҳволи. Мустақиллик йилларида китоб нашр этиш ишлари ислоҳ этилди. Нашриётларга эркинлик берилди. Вилоятларда ҳам нашриётлар ташкил этилиб, китоблар нашр этиш сон жиҳатдан анча ошди. «Сон жиҳатдан» деб таъкид этишимиз бежиз эмас, чунки сифат жиҳатидан мақтанадиган даражага эришганимиз йўққим, бу ҳақда кенгроқ миқёсда алоҳида баҳслар юритилса, чакки бўлмас эди. Ҳар бир ишлаб чиқаришда сон ва сифат мувофиқлигига эришиш мушкулоти борки, китоб нашри ҳам бундан истисно эмас. Сифат деганда биз муқова, қоғоз ва бўёқлар сифатинигина эмас, асар мазмунини, бадиий савиясини ҳам назарда тутяпмиз. Муаллифнинг ўз ҳисобидан ёки биронта марҳаматли бой ташкилот ҳомийлигида китоб чиқаришини инкор этмаганимиз ҳолда бундай китобларнинг аксари саёз эканини ҳам айтсак ёмон бўлмасди.

Германиядаги бир нашриёт иши билан танишаётганимизда, бу нашриётнинг мамлакатда уч минг китоб дўкони борлигини айтишган эди. Демак, бу нашриётнинг китоб савдоси бўйича муаммоси йўқ экан. Агар бир китобни ўттиз минг нусхада нашр этса, демак, ҳар бир дўконга ўнтадан тарқатиши мумкин. Битта дўкон яхши китобнинг ўнтасини эмас, юзтасини уч-тўрт кундаёқ сотиб адо қилиши мумкин.

Пойтахтимизни олиб қарайлик: нечта китоб дўконлари бутунлай олиб қўйилиб, бошқача дўконларга айлантирилди? Қанчаларининг ярми ёки чораги марҳамат сифатида китоб савдосига қолдирилди? Гўзал қурилишлар бунёд этилаётган шаҳримизда қанча янги китоб дўконлари иш бошлади? Бир нарсани унутмайлик: хорижий меҳмонлар халқимизнинг маънавий ва маданий са-

**▼ Мулоҳаза**

вияси билан кўпроқ қизиқадилар. Миллий консерватория, Миллий театр, опера ва балет театри, музейлар... уларнинг диққатини тортиши аниқ. Сайёҳлар орасида китобхон тоифаси ҳам кўп бўлади. Гарчи улар тил билмасалар-да, биздаги ноширлик билан қизиқишлари табиий. Хўш, биз уларга қайси китоб дўконимизни кўрсатамиз?

Бу пойтахтдаги аҳвол. Вилоят марказларидаги аҳволни тасаввур қилаверинг. Туман марказлари ёки қишлоқларни гапирмасак ҳам бўлади. Агар бир қишлоқ аҳли уч-тўрт йилдан бери китоб ўқимаётган бўлса, уларни эмас, китоб савдосига масъул дўстларимизни айблашга тўғри келади. Кейинги йилларда мактаб ўқувчилари учун лотин ёзувида анчагина китоблар чиқарилди. Аввало, қарийб беш миллион нафар ўқувчилар учун 10-20 минг нусхада китоб чиқариш ниҳоятда камлик қилади. Бу китоблар, асосан, йирик шаҳарларнинг пештахталаридагина туриши яхши. Аммо ўқувчисини тополмаётганичи? Яна шуниси афсусланарлики, шундай яхши китоблардан биронтасини ҳозир Ҳазораспда ёки Шўрчида учратмайсиз.

Ҳозир китоб савдосида катта муаммолар мавжуд. Аввало, китоб савдоси пойабзал савдосидан кескин фарқ қилишини англаб етишимиз керак. Агар пойабзал дўкони шаҳарнинг нариги бурчагида бўлса ҳам зарурат туфайли ўша жойга борамиз. Лекин китоб дўкони ҳар куни юраётган йўлимиздан юз қадам нарида бўлса, кириб ўтишга эринамиз.

Китоб дўконлари учун энг гавжум, энг серқатнов жойлар ажратилса, мақсадга мувофиқ бўлади. «Шарқ зиёкори» китоб дўкони замонавий кўринишдаги еттита енгил дўконлар учун Тошкент ҳокимиятидан жой сўраб, ижобий жавобдан умидвор бўлиб турибди. Бу масаланинг ижобий ҳал этилиши минглаб китоб мухлислари учун беназир совға бўлур эди. Эътибор берайлик: «китоб дўкони қуриб беринг», деб сўралмаяпти, балки тайёр дўкон учун қуруқ жой илтимос қилиняпти. Тошкент шаҳрида аввалдан ишлаб келган китоб дўконларининг аҳволини айтдик. Ҳозир ишлаб турган бу дўкончаларга кирсак, ҳайратга тушамиз: пештахталарда, асосан, алмисоқдан қолган китоблар. Янги нашр этилган, айниқса, лотин ёзувида чиқарилган китобларни учратмаймиз. Шундай экан, бу дўконларда қандай савдо бўлсин, қандай даромад бўлсин? Эҳтимол, ўзини эплай олмаётган бу дўконларни «Шарқ зиёкори»га ўхшаб ишларни яхши ташкил этаётган дўконларнинг бўлимларига айлантириш маъқулдир?

Китоб савдоси ишларини яхшилаш йўлида қилинадиган ишлар кўп. Айниқса, савдонинг обуна турини почта муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширишда фойда борлиги аниқ. Хуллас, бу соҳанинг ривож топиши учун республикада барча шароитлар мавжуд. Фақат бу шароитлардан оқилона фойдалана билиш лозим. Китоб савдосини яхшилаш чораларини излаш, ҳаракат қилиш керак. Энг муҳими, бу бир ёки бир неча идора ходимларининг кучи билан амалга ошмайди. Бу ишда жамоатчиликнинг фаол кўмаги зарур. Демак, янги ва яхши китобнинг уйимизга ардоқли меҳмон мартабасида кириб келиши учун ҳаммамиз жон куйдиришимиз зарур бўлади.

Китобни офтобга ўхшатишади. Қуёш нури тегмаган ер ҳосил бермайди. Кўнгил ҳам шундай. Офтоб нуридан бебаҳра жойларнинг мунаввар этилишига лоқайд бўлмасак, бас.

**Тоҳир МАЛИК,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

***Туркистон тоғларининг Зомин, Бахмал, Фориш тизмаларида кейинги йилларда қор қоплони учрамаётган эди. Зомин миллий боғи маълумотларига кўра, «Қизил китоб»га киритилган бу ноёб ҳайвон ушбу ҳудудда яна пайдо бўлди.***

## ЗОМИНДА ҚОР ҚОПЛОНИ

**Инсон ва табиат**

Зомин давлат қўриқхонаси ва миллий боғи алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардан ҳисобланади. Бу ердаги арчали тоғ экотизими ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Биологик хилма-хилликни сақлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар натижасида кейинги йилларда қўриқхона ва миллий боғ ҳудудида ноёб ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар кўпайиб бормоқда.

Бир неча йил аввал «Қизил китоб»га киритилган қора лайлаклар ҳам бу ерга келиб, доимий яшаб қолди. Энди яна бир жонивор — қор қоплонининг ушбу масканда яшаётгани қувонарлидир.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**
**қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:**

**«Навоий шаҳри, Умид қўрғонидаги НДПИ ўқув корпуси теварак-атрофини металл панжара билан ўраш».**

**Қурилишни якунлаш муддати** — 3 ой.
**Буюртмачи** — Навоий давлат педагогика институти.
**Манзил:** 706800, Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 45-уй.
**Телефон:** (8-436) 225-19-30.

Қурилиш ишларини молиялаштириш бюджет ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).*

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (436) 225-53-85.**

**Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 60 000 сўм.**

Таклифлар (офертала)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

970Н/1201

## АЛДОВНИНГ УМРИ ҚИСҚА



Андижон вилояти божхона бошқармаси ходимлари республикамиз фуқароси Шавкат Шерматовга тегишли бўлган юкларни божхона назоратидан ўтказишганда, унда хорижда ишлаб чиқарилган, қиймати қарийб 1,5 млн. сўмлик 3 минг донага яқин "Метрид" номли дорилар борлиги аниқланди. Шерматов бу маҳсулотларни Қирғизистон Республикасидан харид қилиб, айланма йўллар орқали юртимиз ҳудудига олиб киришга уринган. Унинг ноқонуний хатти-ҳаракатига ўз вақтида чек қўйилди.

**▼ Божхона**

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Келес" темир йўл божхона пости ходимлари эса "Москва-Тошкент" йўналиши бўйича кириб келаётган поезд йўловчиларининг қўл юкларини божхона кўригидан ўтказишганда ҳам юқоридаги каби қонунбузарлик ҳолати аниқланди. Республикамиз фуқароси Ёрқин Юлдашев аввалига ўзи билан қоғоз қутиларда қандолат маҳсулотлари олиб келаётганини маълум қилди. Бироқ, ушбу маҳсулотлар синчковлик билан кўздан кечирилганда, улар остига усталик билан яширилган, қиймати 1 млн. сўмдан ортиқ 1,5 минг донага яқин "Гепарин" номли дори-дармон маҳсулотлари борлиги ошкор бўлди.

Ҳозирда ҳар иккала ҳолат юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Н. САЛОМОВ.**




Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. М. Султоновга волидаи муҳтарамаси

**НИСАХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖ ижодий жамоаси «Маънавият» бош муҳарририятининг масъул ходимаси Фотима Файзиевага волидаи муҳтарамаси

**РАЪНОХОН аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекэнерго» ДАК «Ўзэлектртармоқ» УК раҳбарияти ва жамоаси Наманган тиббий санитария қисми бош врачи Ҳаким Ҳамитхонович Ҳусаиновга волидаи муҳтарамаси

**Робияхон ая**
**ҲУСАИНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 6